

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети бўйича МАЪЛУМОТНОМА

1. Умумий маълумот.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (Университет) ва унинг ҳудудий филиалларида бугунги кунда **918 нафар** профессор-ўқитувчилар фаолият юритиб келмоқда. Шундан, **аёл профессор-ўқитувчилар** сони **486 нафарни** ташкил этади.

ТАТУ ва унинг ҳудудий филиалларида **58 нафар** фан доктори ҳамда **325 нафар** фан номзоди фаолият юритиб келмоқда ва профессор-ўқитувчиларининг умумий илмий салоҳиятининг жорий ҳолати **41,7 фоизни** ташкил қилмоқда ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1,3 фоизга ошганлигини** кўрсатади (**2022 йилнинг ноябрь** охи ҳолатига **38 фоизни** ташкил этган). Хусусан, **илмий салоҳиятли аёл профессор ўқитувчилар** сони **118 нафарни (31%)** ташкил этади.

2023 йилда Университет **Республика олий таълим муассасалари миллий** рейтингда **13-ўрин**, Техника йўналишидаги ОТМлар бўйича **7-ўрин**, ОТМ профессор–ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти натижалари асосида олинган маблағлари кўрсаткичи бўйича **3-ўрин** эгаллаган. Шунингдек, **Times Higher Education** ташкилотининг **Impact Ranking** танлови мезонлари бўйича **1000 таликдан** ўрин олиб, **Scimago Institutions Rankings**да дунё бўйича ОТМлар ўртасида Компьютер илмлари мезонига кўра **660 ўринни** қўлга киритди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, **EduRank** ташкилотининг рейтингда ҳам Университет ахборот технологиялари йўналишида **1000 таликка** кириб, ҳар ярим йилда янги кўрсаткичларга эришаётганини кўриш мумкин.

2023 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети **QS халқаро рейтинг ташкилоти** томонидан **QS Stars** номинацияси бўйича ўтказилган аудит текширувига кўра **4 Юлдузли Университет** мақомига эга бўлди. Бунда Университет **таълим, битирувчиларнинг ишга жойлашиши, масофавий таълим** ва **инклюзивлик мезонлари** бўйича **аъло** даражада деб баҳоланган.

2. Ўқув ва услубий фаолият

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиалларида бугунги кунда **6 та** ҳудудий филиал, **20 та** факультет ва **74 та** кафедра мавжуд бўлиб, уларда **918 нафар** профессор-ўқитувчилар фаолият юритиб келмоқда. Хусусан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида **9 та** факультет ва **29 та** кафедра мавжуд бўлиб, уларда **420 нафар** профессор-ўқитувчилар фаолият юритади.

ТАТУ ва унинг ҳудудий филиалларида **2022 йил 30 сентябрь** ҳолатига кўра **29 230 нафар** талабалар **21 та** таълим йўналишлари ва **33 та** мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқда, шундан **12 703 нафар** талабалар **21 та** таълим йўналишлари ва **33 та** мутахассисликлар бўйича ТАТУда

таҳсил олишмоқда. Шундан талаба қизлар сонини **2526** нафарни ташкил этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2023** йил **15 июндаги Ф-31-сон** фармойиши билан **2023/2024 ўқув йили** учун ТАТУ ва унинг филиалларига жами **8 171 та** квота ажратилган бўлиб, **2022 йилга (7 129 та квота)** нисбатан **1.15 баробарга** ошганлигини кўрсатади. Хусусан, **2023 йилда** бакалаврият таълим йўналишининг кундузги таълим шаклига **4 490 та** (1 290 та грант, 3 200 та тўлов-контракт асосида), бакалаврият таълим йўналишининг сиртқи таълим шаклига – **2 300 та** (барчаси тўлов-контракт асосида), бакалавриятнинг масофавий шаклига **1000 та** (барчаси тўлов-контракт асосида) қабул квотаси белгиланган; магистратура мутахассислигига **381 та** (340 та грант, 41 та контракт) қабул квотаси белгиланган.

Хусусан, **ТАТУда Ф-31-сон** фармойиш билан **2023/2024 ўқув йили** учун жами **3 815 та** квота ажратилган бўлиб, бакалаврият таълим йўналишининг кундузги таълим шаклига **2 025 та** (635 та грант, 1 390 та тўлов-контракт асосида), бакалаврият таълим йўналишининг сиртқи таълим шаклига – **1 125 та** (барчаси тўлов-контракт асосида), бакалавриятнинг масофавий шаклига **400 та** (барчаси тўлов-контракт асосида) ҳамда магистратура мутахассислигига **265 та** (248 та грант, 17 та контракт) қабул квотаси белгиланган.

ТАТУ ва унинг филиалларида ҳозирги кунда **74 та** кафедраларда **107 та** ўқув ва ўқув-илмий лабораториялар мавжуд бўлиб, охириги **2 йилда** “Компьютер тармоқлари ва тармоқ хавфсизлиги”, “Робототехника ва Мехатроника”, “Робототехника ва автоматлаштириш”, “Замонавий GPON технологияси асосида қурилган оптик абонент тармоқларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш”, “Ўрнатилган тизимлар”, “Тиббиётда ахборот тизимлари”, “Internet of things”, “Рақамли иқтисодиёт”, “Виртуал реаллик” ҳамда “Кейинги авлод конвергент тармоқлари” каби **10 та янги** ўқув лаборатория ташкил этилди.

ТАТУ ва унинг филиалларида жами **29 230 нафар** талаба таҳсил олмоқда. Шундан, ТТЖга муҳтож **9 839 нафар** талабадан **4 260 нафари (43,3 %)** ТТЖда истиқомат қилади, шундан **ТАТУнинг ТТЖларида 2 536 нафарни (49,3 %)** ташкил этади. Талаба қизлар учун **ТТЖ билан таъминлаш 100%ни** ташкил этади.

3. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият

2023 йилда ТАТУ ва ҳудудий филиалларида умумий қиймати **20,0421 млрд. сўмдан** ортиқ бўлган **64 та** илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, **64 та** илмий-тадқиқот ишларининг **мазкур йил учун** молиялаштириш ҳажми **9,787 млрд.сўмни** ташкил этади. Шундан, давлат дастурлари доирасида бажарилаётган **21 та** лойиҳа – **7,725 млрд.сўм**, хўжалик шартнома асосида эса **45 та** лойиҳа – **2,062 млрд.сўм**.

Жумладан, ТАТУ ва унинг ҳудудий филиалларида **5 та** олима аёлларнинг **3,2 млрд. сўм** илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳаларга **172** нафар аёл профессор-ўқитувчилар ва талаба қизлар жалб қилинган.

2021-2023 йиллар мобайнида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида фаолият юритаётган **138 нафар (17 нафари DSc, 121 нафари PhD)** профессор-ўқитувчилар докторлик иши ҳимоя қилди. Жумладан:

2021 йилда - 50 нафар ходим ҳимоя қилди, шу жумладан **11 нафар** аёл профессор-ўқитувчилар.

2022 йилда - 51 нафар ходим ҳимоя қилди, шу жумладан **10 нафар** аёл профессор-ўқитувчилар.

2023 йилда (15-октябр ҳолатига кўра) - 37 нафар ходим ҳимоя қилди, шу жумладан **16 нафар** аёл профессор-ўқитувчилар.

Ҳозирда ТАТУда **11 та** докторантура ихтисослиги бўйича жами уч босқичда **130 нафар** илмий тадқиқотчи фаолият юритмоқда, шундан **52 нафар** аёл илмий изланувчилар. **2024 йилда** Университет учун **93 та** квота ажратилди ва бу **2021 йилга** ажратилган квотадан **2,3 баробарга** кўплигини кўрсатади.

Ҳозирда университет ва унинг ҳудудий филиалларида Хорижий ОТМларда PhD илмий даражасини олган **24 нафар** профессор-ўқитувчилар фаолият юритиб келмоқда ҳамда **20 нафар** профессор ўқитувчимиз **Ж.Корея (10 нафар), Австрия (2 нафар), Россия Федерацияси (6 нафар), Испания (1 нафар)** ва **Германия (1 нафар)** ОТМларида ўз диссертация ишлари устида изланиш олиб боришмоқда. Хусусан, Корея Давлатининг нуфузли олийгоҳида **3 нафар** аёл илмий изланувчилар PhD дастури бўйича таҳсил олишмоқда

Шу кунга қадар ТАТУ ва унинг ҳудудий филиаллари профессор-ўқитувчилари томонидан халқаро **Скопус, Веб оф Сайнс** илмий журналларда **1580 та** илмий мақолалар чоп этилган бўлса, шундан **2019 йилдан 2023 йилнинг** ҳозирги даврига қадар илмий мақолаларнинг **1305 таси (82,6 %)** тўғри келмоқда.

Университет профессор-ўқитувчиларининг илмий фаоллиги натижасида **Хирш индекси (H-индекс) “3”** кўрсаткичдан катта ходимлар сони халқаро эътироф этиладиган **SCOPUS** илмий базасида **9 баробарга** ошганини (хусусан, **2017 йилда – 9 нафар, 2021 йилда – 48 нафар, 2022 йилда – 61 нафар** ва **2023 йилда – 84 нафар**) кўриш мумкин. Ҳозирги кунда **Хирш индекси (H-индекс) “3”** кўрсаткичдан катта аёл профессор-ўқитувчилар сони **17 нафарни** ташкил этади.

4. Университетнинг Халқаро ҳамкорлик фаолияти

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети **35 давлатнинг 72 та** университети, **5 та** илмий-тадқиқот марказлари, **15 та** ташкилот ва компаниялари билан жами **92 та** ўзаро ҳамкорлик шартномаси, келишув ва меморандумларига эга.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида **2017-2023 йиллар** мобайнида **294 нафар** профессор-ўқитувчилар хорижий давлатларда малака оширди, хусусан, **Жанубий Кореяда – 81 нафар, Россия Федерациясида – 47 нафар, Германияда – 23 нафар, Белоруссияда – 52 нафар, Хитойда – 16 нафар, Австрияда –**

24 нафар ва бошқа давлатларда – **51 нафарни** ташкил этади. Шундан аёл профессор-ўқитувчилар сони **117 нафарни** ташкил этади

Университетда **2020-2023 йилларга** мўлжалланган **13 та** халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда, жалб этилган жами грант маблағлар миқдори **8.8 млн** АҚШ Долларини ташкил қилади.

Хусусан, ТАТУ **2019-2023 йилларда** Европа Иттифоқининг “Erasmus+” дастури доирасида умумий қиймати **2,3 млн.евролик** учта лойиҳаларни илк марта **грантхолдер** сифатида амалга оширишни бошлади. Шунингдек, Европа Иттифоқининг “Erasmus+” дастури доирасида умумий қиймати **1,82 млн. еврога** тенг бўлган **9 та** лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳалар асосида ташкил этилган илмий ва ўқув лабораторияларида **24 нафар аёл профессор-ўқитувчилар** қатнашиб келмоқда.